

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

368 Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-
сида

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг фаолиятини такомил-
лаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 июндаги 223-сон қарори билан
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Уставига
иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 7 сентябрь,
249-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 7 сентябрдаги 249-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Уставига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-бандидаги «фундаментал ва амалий тадқиқотларни» сўзлари «фунда-
ментал, амалий ва инновация илмий тадқиқотларни (кейинги ўринларда ил-
мий тадқиқотлар деб юритилади)» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

2. 3-бандидаги «фундаментал ва амалий» сўзлари «илмий» сўзи билан алмаштирилсин.

3. 4-бандида:

учинчи хатбошидан «фундаментал» сўзи чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «фундаментал» сўзи «илмий» сўзи билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидан «фундаментал ва амалий» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи хатбошидаги «олимлар ва» сўзларидан кейин «илмий» сўзи қўшилсин.

4. 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «фундаментал ва амалий» сўзлари «илмий» сўзи билан алмаштирилсин.

5. 10-бандининг иккинчи хатбошидан «фундаментал ва амалий» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. 14-бандидаги «нотижорат ташкилотлар» сўзларидан кейин «илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватловчи жамғармалар» сўзлари қўшилсин.

7. 27-бандидан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

8. 30-бандининг иккинчи хатбошидаги «тадқиқотларнинг» сўзи «уларнинг» сўзи билан алмаштирилсин.

9. 44-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«44. Фанлар академиясининг вице-президентлари ва бош илмий котиби фан ва техниканинг ривожига улкан ҳисса қўшган, илмий-техник ишланмаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш, илмий кадрлар ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда катта хизмат қилган олимлар қаторидан илмий-тадқиқот муассасалари директорларининг Кенгаши билан келишилган ҳолда Фанлар академияси президентининг тавсиясига биноан Умумий мажлисда очик овоз бериш йўли билан сайланадилар».

10. 45-бандидаги «академиклар» сўзи «олимлар» сўзи билан алмаштирилсин.

11. 48-бандида:

еттинчи хатбошидан «фундаментал» сўзи, саккизинчи хатбошидан «фундаментал ва амалий» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбошидаги «уларнинг» сўзидан кейин «илмий» сўзи қўшилсин.

12. 63-бандидаги «фундаментал ва амалий» сўзлари «илмий» сўзи билан алмаштирилсин.

13. 67-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«67. Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган илмий тадқиқотлар натижалари бўйича ҳисоботлар, Фанлар академияси олимлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш нормаларига риоя этиш асосида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига топширилади.».